

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ  
БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**380** Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
19 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 612-5*

*(2009 йил 29 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги ПҚ–1083-сонли «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкани ташкил этиш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 14-сон, 154-модда) ва 2009 йил 30 мартдаги ПҚ–1084-сонли «Агробанк» акциядорлик тижорат банкани ташкил этиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 14-сон, 155-модда) қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 мартдаги 89-сонли «Агробанк» акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 14-сон, 158-модда) ва

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й.*

2009 йил 31 мартдаги 90-сонли «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкнинг фаолиятини ташкил этиш ва моддий-техника базасини мустақамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 14-сон, 159-модда) қарорларига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан 1999 йил 28 январда тасдиқланган 10, 116-В-сонли «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисобкитоб Жамғармаси тўғрисидаги низом»га (рўйхат рақами 612, 1999 йил 28 январь) иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 31 июль,  
76-сон

**Марказий банк раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 31 июль,  
20/6-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.